



# MILLIY TIKLANISH

50 (163)

2011 йил 21 декабрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



### 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**Партия кадрлари**  
Ўқув-семинарда фаолиятимиз учун зарур бўлган маълумотлар олиш билан бирга партия ташкилотлари маҳаллий кенгашлари олдига қўйлаётган вазифалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдик. Олган билимларимиз аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб боришимизга хизмат қилиши шубҳасиз.



### 4 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**Бахтли болалик**  
Тошкент шаҳрида 2000 йилдан бери фаолият юритиб келаётган "SOS Болалар маҳаллалари" да бугунги кунда 14 та оила мавжуд. Бу ердаги болалар барча зарур шарт-шароитга эга муҳитда улғаймоқда. Шинам уйлар ичида SOS-она бошчилигида болалар эмин-эркин бир оила бўлиб яшашди. Бу йил илк қалдирғочларимиз — 11 нафар ўсмирни мустақил ҳаётга учирма қилдик. Ҳамон улар билан мустаҳкам алоқадамиз.



### 5 САРҲИСОБ

**"Baht-textile"**  
Бир сўз билан айтганда, "Baht-textile"нинг бугунги асосий мақсади янги иш ўринларини яратиш, пахта толасини қайта ишлаб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалишига муносиб ҳисса қўшишдир.

## ЎҚУВ-СЕМИНАР



## Партия кадрлари

**БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШ ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнини янги bosқичга кўтарди. Концепцияда илгари сурилган ғоялар ва қонунчилик ташаббуслари сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юкледи.

фий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш, партия мафкураси ва ғоясини тарғиб этишнинг янги усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ЎЗМТДП МК Ижроия Кўмитаси томонидан ўқув-семинар ташкил этилди.

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашлари ходимлари ва фаоллари учун ўтказилган ўқув машғулотларининг охириги тингловчилари партиянинг Бухоро, Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари бўлди.

3-бет

Партия фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциалини кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маъри-

## ҒАМҲЎРЛИК

## Бахтли болалик

**ОИЛАДАГИ МЕҲР ТУФАЙЛИ ЯНАДА ТЎКИС БЎЛАДИ**

Соғлом ва баркамол шахснинг вояга етишида оила муҳим ўрин тутади. Юртимизда оила манфаатини ҳимоялашнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари шаклланди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Қолаверса, муҳтарам Юртбошимизнинг кириб келаятган янги — 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилишлари ҳам оилага бўлган юксак ҳурмат ва эътибордан дарак беради.

жиҳатдан қўллаб-қувватлашга шай турган, уларга оила тарбияси, муҳити ва меҳрини бераётган меҳрибонлик ва мурувват уйлари бор. Улар орасида "SOS Болалар маҳаллалари" Ўзбекистон миллий уюшмаси болаларга оила меҳрини бериш тажрибаси ва мавжуд имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Уюшманинг ижтимоий ҳуқуқий масалалар бўйича етакчи мутахассиси Гулчеҳра Нигмаджонова муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

4-бет

Оила фарзанд тарбиясида, ижтимоий, миллий анъана ва кадрларни авлоддан авлодга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ҳар

## ХАБАРЛАР

### Сарҳисоб

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ соҳада амалга оширилган ишлар, хизмат кўрсатиш тармоғини такомиллаштириш, моддий-техник базани янгилаш бўйича белгиланган чоратадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказди.**

Анжуманда соҳа мутахассислари жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳамда келгуси режалар ҳақида маълумот беришди. Жумладан, журналистлар почта алоқаларида "Электрон пул ўтказмалари" тизими ишга туширилганлиги, халқаро пул ўтказмаларининг самаралари, обуна кампанияси билан боғлиқ янгиликлардан бохабар бўлишди.

### Очиқ

### эшиқлар куни

**Иқтисодий тадқиқотлар маркази пойтахтимиздаги нуфузли университет ва институт талабалари учун ўз эшиқларини очди.**

Талабалар марказ фаолиятига доир ишлар самарадорлигини таъминлашда зарурий ускуналар, замонавий ўқув воситалари, шунингдек, марказ қошидаги наشريёт фаолияти билан яқиндан танишишди. Марказда олиб борилаётган илмий ишларга ёшларнинг қизиқиши юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, "Очиқ эшиқлар куни" ҳар ойда ўтказиладиган бўлди.

### Истеъмолчилар

### — ҳимояда

**Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида "Истеъмолчилар ҳуқуқлари — ҳамиша ҳимояда" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Йигилганлар савдосотик ишларидаги айрим муаммолар, жумладан, сотувчиларнинг муомала маданияти, маҳсулотнинг мувофиқлаштирувчи сертификатини тақдим эта олмаслиги, айрим жойларда товар сифати ва сотилиши билан боғлиқ камчиликлар юзага келаётганлиги, савдо шахобчаларида пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилинганда нақд пулга нисбатан устама ҳақлар қўйлаётганлиги билан боғлиқ масалалар бўйича ўзаро фикр алмашишди.

## 2012 ЙИЛ — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»



**Мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидagi ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.**

Ислом КАРИМОВ

## Ватаннинг қутлуғ оstonаси

**Оила! Бу — ҳар биримизнинг дилимиздан тилимизга энг азий, энг ширин туйғу бўлиб келадиган ва қулоғимизга ёқимли эшитиладиган содда, бегубор, аммо, жарангдор, олам-олам маъно касб этадиган қутлуғ сўз. У неча-неча минг йиллардан буён, ҳаёт синовларидан ўтиб, мазмунан бойиб, одамзотнинг олийжаноб ҳислати ва фазилатларини, эзгу ниятларини, орзу-умидларини мужассам этган ҳолда унинг турмуш тарзини ифодалаб келаётган миллий қадрият.**

Шу боис ота-боболаримиз азал-азалдан оилани муқаддас деб билганлар. Уни юксак қадрлаб, шаъни, ор-номуси, гурури, обрўйи, шон-шухрати учун курашганлар. Ўзлари шунга муносиб бўлиб, оила аъзо-

ларининг аждодлар удумлари ва урф-одатларини изчил давом эттириб, иноқ яшашларида ўзига хос таълим-тарбия мактаби вазифасини ўтаган. Бу борада оила бошлиқлари — ота билан онанинг роли бекиёс бўлиб, улар бутун масъулиятни ўз зиммаларига олиб, бир-бирларига ишонч ва ҳурмат билан иш тутганлар. Фарзандларининг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб, камқўстини бартараф этиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатганлар.

4-бет

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## Тараққиёт Концепцияси

**КЎМИТА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ**

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили изчил ва тизимли асосда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгайиб, улар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг қўламини ва мазмунини тобора ортиб бормоқда. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда".**

2-бет



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан жорий йилда ҳам, асосан, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилот-



нинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш, ваколатлари ва самарали фаолият юритиш механизмларини кенгайтиришга қаратилган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури"нинг Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги тизимидаги ижросининг бориши юзасидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижроси, "Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Конвенция"нинг Ўзбекистондаги ижроси, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги ва "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг Самарқанд вилоятидаги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини

таъкидлаш жоизки, йил давомида Қўмита томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида Андижон вилоятида "Мустақилликнинг 20 йиллиги: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари тараққиётининг аҳоли ва истиқболлари" мавзусида илмий-амалий семинар, мартда Қашқадарё вилоятида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шарқона демократиянинг ифодасидир" мавзусида давра суҳбати, апрелда Темурйиллар тарихи давлат музейида "Соҳибқирон Амир Темур — буюк саркарда, давлат арбоби ва дипломат" мавзусидаги илмий-амалий конференциялар шул арқилик амалга оширилди. Айниқса, 2011 йил 30 июль кунини ЎЗМТДП фракцияси ва партиянинг Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Қашқадарё вилояти Мулла Тўйчи

Таъкидлаш жоизки, йил давомида Қўмита томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида Андижон вилоятида "Мустақилликнинг 20 йиллиги: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари тараққиётининг аҳоли ва истиқболлари" мавзусида илмий-амалий семинар, мартда Қашқадарё вилоятида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шарқона демократиянинг ифодасидир" мавзусида давра суҳбати, апрелда Темурйиллар тарихи давлат музейида "Соҳибқирон Амир Темур — буюк саркарда, давлат арбоби ва дипломат" мавзусидаги илмий-амалий конференциялар шул арқилик амалга оширилди. Айниқса, 2011 йил 30 июль кунини ЎЗМТДП фракцияси ва партиянинг Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Қашқадарё вилояти Мулла Тўйчи

**Жиззах шаҳрида ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси вилоят Ўзбек жанг санъати федерацияси билан ҳамкорликда Ўзбек жанг санъати бўйича спорт мусобақаси ўтказилди. Унда Ўзбек жанг санъати федерацияси таркибидоғи 6 та клуб ва жамоа вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда барча спорт турлари, айниқса, миллий спортимиз равнақи йўлида қилинаётган ишлар, хусусан, халқ ўйинлари, кураш ва ўзбек жанг санъати каби қадриятларимизни тиклаш ва янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратдилар.

Эътибор қилинганидек, мамлакатимизда барқамол авлодни вояга етказишда спорт энг асосий омиллардан бири саналади. Шу боис бугунги кунда, ҳатто, энг чекка қишлоқда яшовчи ёшлар, спорт ихлосмандлари ҳам жисмоний тарбия ва спорт билан замонавий спорт иншоотларида шугулланиш имкониятига эга бўлдилар. Бунинг самарасини халқаро спорт ареналарида Ўзбекистон байрогининг бот-бот марғур хилпиратганидан ҳам сезиш қийин эмас.

— Ўзбек жанг санъати беш йўналишини ўз ичига олади, - дейди Жиззах вилоят Ўзбек жанг санъати федерацияси раҳбари,

4-ДАН қора белбоғ соҳиби, спорт устаси Отабек Зиёев. — Биринчиси, мусобақалар йўналиши бўлиб, у комплекс машқлар ба- жариш, беллашув ва кўргазмалли

● БЕЛЛАШУВ

## Миллий спорт

ТУРЛАРИНИ ЎЗМТДП ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

чиқиш машқларидан иборат. Соғломлаштириш йўналиши энгил ҳаракатлар негизда шакллантирилган бўлиб, у билан барча ёшдаги кишилар шугулланиши мумкин. Қўл санъати йўналиши эса қўл ва бармоқлар билан тананинг нозик қисмларига зарба бериш ва оғритиш усуллари қўллашни ўз ичига олади. Темурйиллар жанг санъати усули қилч, ханжар, таёқ ва найзалар билан машқлар бажаришга асосланади. Жанг кураш йўналишида эса кўтариб ташлаш, бўғиш, чангалдан чиқиш, оёқ ва қўлда зарба бериш каби жангвор усуллардан кенг фойдаланилади. Вилоятимизда спортнинг бу турига қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Мураббийларимиз бугунги кунда 500 нафарга яқин ёшларимизга ушбу спорт тури сирларини ўргатишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида виллоят микросида 10 га яқин турли даражадаги турнир уюштирилди. Бу борада ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши доимий ҳамкорлик саналади, голибларни рағбатлантириш, ахборот кўмагини халқаро спорт ареналарида Ўзбекистон байрогининг бот-бот марғур хилпиратганидан ҳам сезиш қийин эмас.

сидаги энг кучли жамоалардан бири сифатида эътироф қилиниб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринга муносиб деб топилди. Худди шундай Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика турнирида ҳам 2-ўрин соҳиби бўлишди. 17-18 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Республика чемпионатида жиззахликлар 5 та олтин, 5 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди.

— Ўзбек жанг санъатини куза-ти, ҳақиқий миллий руҳиятини хис қиласиз, - дейди ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Абдурахим Султонов. — У ўзида камтарлик, ҳалоллик, сабр-қаноат руҳий вазминлик ва кучли иродани ифодалаш билан партия мақсад ва гоёларига ҳамроҳанг, уйғун. Шу боис виллоят Ўзбек жанг санъати федерацияси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс, деб ўйлайман. Мусобақа ёшларнинг спортга қизиқишларини кучайтириш билан бирга, уларда миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусининг янада орттишига хизмат қилади. Қолаверса, спортнинг жангворлик хусусияти миллий армиямиз сафларини жисмонан бакуват, маънан етук ёшлар билан тўлдирдиш имкониятини кенгайтиради.

**Алжон АБДУСАТТОВ,**  
**ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси матбуот котиби**

## Тараққиёт Концепцияси

ҚўМИТА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

лар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунларни тайёрлаш, мазкур йўналишдаги амалдаги қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибда ўрганиш ҳамда турли тадбирлар ўтказиш орқали бу борадаги ислохотларнинг

раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги Қашқадарё вилоятида, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес-

олий ва ўрта махсус касб таълими вазирлигининг мутасадди вакиллари, ҳуқуқшунос ва соҳа мутахассисларининг ахборотлари тингланди.

Қўмита фаолиятининг устувор йўналишларидан бири, бу — марказда ва жойларда турли тадбир, туркум конференциялар, давра суҳбати ва семинарлар ўтказиш йўли билан фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантиришга қаратилган ишларнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Зеро, мазкур фаолият қўмитада ишлаб чиқилаётган қонунларнинг пишиқ-пухта бўлишини таъминлаб, уларнинг ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда қўл келади. Бу борада ўтган даврда турли йўналишларда 30 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди.

Қўмитанинг 2011 йилдаги жамоатчилик билан алоқалари таҳлил этилганда, бу борада ҳам қатор ишлар қилинганлигини кўриш мумкин. Хусусан, қўмита аъзолари жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари, Сенати ва унинг қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Маҳалла" ҳайрия жамғарма-

Тошмухамедов номли мусикали драма театрида ташкил этилган "Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган" мавзусидаги маърифий тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланиб, ўтган давр мобайнида аҳоли турмуш тарзи, мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгариши, эришилган ютуқ ва натижалар, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислохотларни кенг олмага етказиш мақсадида ташкил этилди. Унда мустақилликкача бўлган ижтимоий-сиёсий вазият, халқимизнинг муштакилликка бўлган интилиши ва айнан муҳтарам Президентимизнинг Қашқадарё вилоятидаги раҳбарлик фаолияти даври акс эттирилган драматург Нафас Шодмоновнинг "Наҳот дарвозаси" номли асарининг сахна кўриниши намойиш қилинди. Бундан ташқари жорий йил 21 ноябрь кунини Касби туманида ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда "Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиллиги эришиш оstonасида» номли китобининг тарихий аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Йилги бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш шароити фаровонлашиб бораётгани, юртимизда ҳукм су-

**Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк даврларидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан Қўмита томонидан 2011 йил 14 октябрда ўтказилган "Ҳуқуқий онг — демократик тамойилларнинг асоси: ёшларга оид қонунчиликни тарғиб қилишда ҳуқуқий таълимнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги жамоатчилик эшитиув алоҳида аҳамиятга эга.**

мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича қатор амалий ишлар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қўмитада йиллик ва истиқболдаги режада кўзда тутилган 10 дан ортиқ қонун лойиҳалари устида иш олиб борилди. Хусусан, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги Қашқадарё вилоятида, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Болалар Омбудсмани тўғрисида"ги "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар лойиҳалари шулар жумласидан. Қолаверса, қўмита аъзолари қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда келиши ва хулоса олиш учун тегишли ташкилотларга юборилди.

2011 йил давомида Қўмита ўзининг назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё ва Сирдарё вилояти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликлари, Бош прокуратура каби давлат муассасалари, идоралар ва вазирликларда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла фаолияти-

публикаси Қонунчилиги Сирдарё вилоятидаги ижроси, "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тегишли даврлардаги ижроси яқунлари тўғрисидаги" материалларни ўрганиш бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб борди.

Жумладан, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги Сирдарё вилоятидаги ижро этилиши юзасидан амалга оширилган назорат-таҳлил яқунларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мазкур ҳудудда қонун ижроси билан боғлиқ баъзи бир камчиликлар аниқланган. Масалан, вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш ҳамда вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ёпиқ суд мажлисларида қўрилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, Қонуннинг 26-30 моддалари биринчи қисмлари талабларига зид иш тутилган. Ушбу Қонуннинг 30-моддаси иккинчи қисми талабига зид тарзда барча суд мажлисларида васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари-нинг иштироки шартлиги белгилаб қўйилганлигига қарамаддан суд мажлисларида уларнинг иштирокисиз ахирлик чикарилган. Қўмитанинг 2011 йил 9 сентябрда Гулистон шаҳрида ўтказилган кенгайтирилган сайёр йиғилиши да ва каби муаммоли масала ва камчиликлар юзасидан қўриладиган чора-тадбирлар, уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида батафсил фикрлашиб олинди ва йиғилиш якунида Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Аҳамиятисини шундаки, Қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолиятининг янги усули, яъни қўллаб жамоатчилик эшитиувлари ташкил этилди.

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк даврларидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан Қўмита томонидан 2011 йил 14 октябрда ўтказилган "Ҳуқуқий онг — демократик тамойилларнинг асоси: ёшларга оид қонунчиликни тарғиб қилишда ҳуқуқий таълимнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги жамоатчилик эшитиув алоҳида аҳамият-

**Қўмита фаолиятининг устувор йўналишларидан бири, бу — марказда ва жойларда турли тадбир, туркум конференциялар, давра суҳбати ва семинарлар ўтказиш йўли билан фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантиришга қаратилган ишларнинг самарадорлигини оширишдан иборат.**

си, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказилган турли мавзудардаги 155 та конференция, 226 та семинар ва 321 та давра суҳбатида иштирок этди.

Шунингдек, қўмита аъзолари мамлакатимизда олиб бораётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти, сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар, қўмитанинг умумий фаолияти ва масъуллигида қабул қилинган қонунлар юзасидан орқали 1500 дан ортиқ чиқишлар қилинган.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси масъуллигига берилган.

раётган тинчлик, хотиржамлик, мамлакатимизнинг олис туман ва қишлоқларида ҳам замонавий заводлар қурилаётгани, улкан бунёдкорлик ишлари давом этаётганилиги, бу эса бевосита муҳтарам Аюртошимиз раҳнамолигидан амалга оширилаётганлиги бот-бот тақдорланди.

Муҳтасар қилиб айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси мамлакатини модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда.

**Арслон ЭШМУРДОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва ЎЗМТДП фракцияси аъзоси**

● ДАВРА СУҲБАТИ

## Давлат мадҳияси

ХАЛҚ ОРЗУ-ИСТАГИ, БУЮК ДАВЛАТ КЕЛАЖАГИ РАМЗИ



**Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, иттиҳлишлари, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналари Ўзбекистон Республикасининг янги давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.**

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат рамзлари бўлиши байроқ, герб ва мадҳиясини умуммиллий гуруҳ ҳамда эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлаш, халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ҳамда эришилган ютуқларни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, улар қалбида азалий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат туйғусини уйғотиш ЎЗМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур мақсад ва вазифалар рўёби йўлида қатор тадбир, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва Зангиота туман Кенгашлари ҳамкорлигида "Мадҳиямиз — ифтихоримиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва туман Кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кен-

ҳоятда қувончи ҳоллигини, мадҳия — давлат истиқболи, халқ иродасини ифодалаб қолмай, балки миллий онг, ифтихор, миллий гуруҳ, эътиқод белгиси ҳам эканлигини эътироф этди.

Дарҳақиқат, давлат мадҳияси — миллий мустақиллик, озодлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш, умуминсонлик ва миллий қадриятлар маҳсулидир.

— Давлат рамзлари муайян тушунчаларни аниқлади, - дейди ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши депутати И.Қўчқоров. — Шу боис, уларнинг ҳар бири махсус қонунлар асосида қабул қилинган. Мазкур қонунларнинг иккинчи моддасида давлат рамзи давлат мустақиллиги белгиси экани алоҳида кайд этилган. 1992 йилнинг 10 декабрь янги тарихимизга Ўзбекистон Республикаси мадҳияси қабул қилинган кун сифатида кирди. 2010 йил 24 декабрда мазкур қонунга киритилган ўзгаришга мувофиқ фуқароларимиз ва мамлакатимизда бўлиб турган бошқа шахслар Давлат мадҳиясини ҳурмат қилишлари шарт, деб белгиланди. Бу эса давлат рамзлари олдидаги фуқаролик бурчимизни яна бир бор оширди.

**Дониёр ТОШБОВ,**  
**ЎЗМТДП МК ИҚ девони бўлим бошлиғи**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ● ЎҚУВ-СЕМИНАР



## Партия кадрлари

### БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШ ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби мамлакатда миллий тикланиш жараёнининг асоси сифатида", "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри-

вожлантириш Концепцияси"нинг эълон қилиниши давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнининг янги босқичи сифатида" ва бошқа бир қатор мавзулардаги маърузалар тингловчилар эътиборига ҳавола этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Шу боис, ўқув кур-

си тингловчилари эътиборига Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига доир бир қатор маърузалар ҳам ҳавола қилинди. Шунингдек, ўқув давомида "Миллий тикланиш" демократик партияси имиджини юксалтириш омиллари ва унда партия фаолларининг роли, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғоя ва мақсадларини

электорат орасида кенг тарғиб қилишнинг долзарб масалалари мавзусидаги интерфаол дарслар олиб борилди. Бундан ташқари, ўқув давомида иштирокчилар мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари юзасидан ҳам бир қатор маърузалар тингладилар.

Биз ўқув жараёнида тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқдик.



**Нуриддин ТЎҚСОНОВ,**  
ЎЗМТДП Қонимех туман  
Кенгаши Ижроия  
Кўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур жараёнда партия сафида фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини мунтазам ошириш бугунги куннинг муҳим талабига айланган. Бугунги ўқув-семинардан олган билимларимни жамлаб, Концепцияда белгиланган чўққан ҳолда туман кенгаши иш фаолияти учун зарур бўлган дастур тузишни мақсад қилиб кўйдим. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган маърузаси муҳим дастуриламал бўлади.



**Ҳакима НАЗАРОВА,**  
ЎЗМТДП Зағиота туман  
Кенгаши Ижроия  
Кўмитаси раиси:

— Ўқув-семинарда Президентимиз Ислам Каримовнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бизнинг йўлимиз — демократик ислохот-

ларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир" номли маърузасида белгиланган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, давлатимиз раҳбари тақлифига биноан янги йил — "Мустақам оила йили" деб эълон қилинди. Бу юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялашга кўмаклашишни ўз дастурий мақсади сифатида белгиланган партияимиз ва унинг маҳаллий кенгашлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида "Аёллар қаноти" фаолиятини янада жонлантиришимиз, ёшларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган таъсирчан тадбирларни кўпайтиришимиз лозим. Бундан ташқари ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз талаб этилади.



**Гулноза МУСТАФОЕВА,**  
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар  
Кенгаши Ижроия  
Кўмитаси девони етакчи  
мутахассиси:

— Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй бераётган янги гиланиш ва ўзгаришлар ҳар бир фуқаро зиммасига ўзига хос масъулият юклаши шубҳасиз. Шунингдек, назардан мазкур ўқув-семинар ҳудудий партия ташкилотлари етакчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий билим ҳамда кўникмаларини янада мустаҳкамлаш учун замин яратди. Қолаверса, тингловчилар эътиборига ҳавола этилаётган мавзуларнинг мақсади йўналтирилгани ишимизга яна бир қаратанқидий-тахлилий назар солишимизга туртки бўлди.

Интерфаол, баҳс-мунозара асосида олиб борилган мазкур ўқув-семинар ЎЗМТДП маҳаллий кенгашлари фаолиятининг барча йўналишларини янада жонлантиришда ўз самарасини бериши шубҳасиз.



**Тўймурод ЁҚУБОВ,**  
ЎЗМТДП Вобкент туман  
Кенгаши Ижроия  
Кўмитаси раиси:

— Ўқув машғулотида муҳтарам Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби юзасидан тақдим этилган маърузада мустақиллик йўлини танлаган Ўзбекистон, халқимиз ҳаётида рўй бераётган сиёсий воқеалар, юртимизнинг миллий истиқлолга олиб келган оғир ва машаққатли кураш тарихининг ўчмас саҳифалари ифода қилинганлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, мазкур асар мазмун-моҳиятини партиядошларимиз ва ёшларга ҳар томонлама тушунтиришимиз лозим. Шунингдек, ўқув-семинарда фаолиятимиз учун зарур бўлган маълумотлар олиш билан бирга партия ташкилотлари маҳаллий кенгашлари олдига қўйилаётган вазифалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашидик. Олган билимларимиз аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб боришимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Қамолiddин САИДУҚУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## 168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Халқимиз маънавий мероси

### УНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ АСОДИЙ МАҚСАДИМИЗ

#### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлол берган имкониятлар боис барча соҳаларда салмоқли ютуқлар кўлга киритилди. Мамлакатимиз кундан-кунга чирой очиб, халқимиз турмуш тарзи янада фаровонлашиб, келажаги буюк бўлган ватанимиз гуллаб-яшнамоқда. Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга интилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қатор тадбир, давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ташкил этиб келмоқда.

ЎЗМТДП Ангрен шаҳар Кенгаши ташаббуси ҳамда шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Юксалишга юз тутган Ўзбекистон" мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам ана шундай улғув мақсадлар рўёбига бағишланди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришилаётган ютуқлар, халқро микёсдаги эътибор ва эътироф, юртимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган мақсад ва вазифалар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, ёшларимизни мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, азалий қадрият, урф-одат ва аъёнларимиз, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, фуқаролик жамиятини қуришда яратувчанлик ва ижодкорликка ундаш каби масалалар ҳам атрофича муҳокама қилинди.

#### СИРДАРЁ

ЎЗМТДП Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан "Миллий қадриятлар куйчиси" мавзусида ташкил этилган тадбир шоир Ҳаёт Шодмоннинг "Умид фасллари" номли шеърый тўплами тақдимида бағишланди.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси И.Худойбердиев партиянинг сайловолди Ҳаракат дастурида истеъдодли ижодкорларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашиш кўзда тутилгани, бугунги тадбир ҳам ана шундай мақсадга қаратилганлигини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Х.Худойбердиева, адабиёт-шунос олимлар иштирок этиб, шоир ижодида ўзига хослик, миллийлик ва халқ оғзаки ижоди аъёнлари муҳим ўрин тутишини эътироф этдилар. Тадбир сўнггида Ҳаёт Шодмон янги шеърларидан намуналар ўқиди. Санъаткорлар томонидан шоир шеърларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди.

#### БУХОРО

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, мустақил фикрли ва мустақам позицияга эга бўлишни шакллантириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. ЎЗМТДП ҳам ўз таркибида юксак салоҳиятли, иқтидорли хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш мақсадида қатор тадбир ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. ЎЗМТДП Бухоро вилоят ҳамда ЎЗМТДП Шофирқон туман Кенгашлари "Аёллар қаноти" ҳамкорлигида "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: ҳуқуқий кафолатлар ва уларнинг амалиётда қўлланиши" мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилди. Унда ЎЗМТДП Бухоро вилоят ва туман Кенгашлари аъзолари, партия "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, ҳудуддаги БПТ етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирни очган Шофирқон туман "Аёллар қаноти" раҳбари М.Тўйева мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жаҳаларида хотин-қизлар ролини кучайтириш, аёллар ўртасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояларини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш борасида амалга оширилган салмоқли ишларга эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралаётган юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш учун барча ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар мавжуд. Қувончлиси, юртимиз аёллари яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

#### ҚАШҚАДАРЁ

— Мустақиллик йилларида бетакрор тарихий меросимиз, маънавий бойлигимиз, миллий урф-одат ва аъёнларимиз қайта тикланди, халқимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб, Ватан тақдирини ва истиқболга дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди. — деди ЎЗМТДП Миришқор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Й.Очилов "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тарғиб қилиш юзасидан ўтказилган давра суҳбатида. — Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, Президентимиз Ислам Каримов асарларини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларимиз ўртасида тарғиб қилиш, амалдаги қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, баркамол авлодни турли хил оқимларга кириб кетмасликларининг олдини олиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир.

Тадбир миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ижроси, уни тарғиб қилиш, шунингдек, маънавият — инсонни руҳан поклаш, иймон-этиқодини бут қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч эканлигини аҳоли, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш мақсадида ташкил этилди. Унда сўз олганлар жойлардаги маънавият-маърифат тарғиботчилари ўз ишларига бўлган масъулиятларини оширишлари, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисидаги тарғибот ишларини янада жонлантириш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ёшлар онгига сингдириш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилиш сўнггида ЎЗМТДП фаолларига партия дастури ва ғоясини тарғиб-ташвиқ қилиш услублари хусусида тегишли тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

## ● ТАДБИР

# Миллий ғоя

### ЁШЛАР КАМОЛОТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

**Ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий гурур туйғусини уйғотишга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири саналади. Бу борада партия мунтазам равишда давра суҳбати, ўқув-семинар ва тадбирларни ташкил этиб келмоқда.**

ЎЗМТДП Шовот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан "Миллий ғоя ва ёшлар" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, депутатлар ва ёшлар иштирок этди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни ҳар томонлама қомил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда, дейди Шовот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Б.Сапарбоев. — Жумладан, партиянинг Хоразм вилоят Кенгаши томонидан ҳам ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. ЎЗМТДП "Ёшлар қаноти" қошида "Ёш сиёсий билимдонлар клуби" ташкил қилинган. Клубда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, етакчилик қобилиятини шакллантириш мақсадида кўплаб давра суҳбати,

депутатлар, партия етакчилари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Айни пайтда туман Кенгаши қошида ҳам "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолият кўрсатаёпти. Клубга ташаббускор, етакчи ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, тумандаги қорхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ёшлар жалб қилинган.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар партия томонидан ёшларни миллий аъёна ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, ватанпарварлик туйғусини баркамол авлод қалбига чуқур сингдириш, уларни турли хил ёт ғоялардан асраш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида гапирдилар.

— Ёш авлодни миллий қадрият, урф-одат ва аъёнларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, соғлом фикрли, қомил инсон бўлиб вояга етказишга кўмаклашиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, — деди ЎЗМТДП "Ёшлар қаноти" етакчиси М.Ҳайитбоева. — Партия устав ва дастурида белгиланган вазифаларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг тадбиқ этилиши ёшларимизнинг етуқ инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилиши шубҳасиз. Хусусан, "Ёш сиёсий билимдонлар клуби"га аъзо бўлган ёшлар янги қабул қилинаётган ҳамда амалдаги қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида маълумотга эга бўлиш билан бирга тарғиб-ташвиқ қилиш жараёнида ҳам фаоллик кўрсатадилар.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ● ПЛЕНУМ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши вакиллари ҳамда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши раислари ва фаоллари иштирок этди.**

# Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Пленум кун тартибидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги ҳамда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда партия вилоят Кенгаши фаолиятига оид бошқа масалалар жой олди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқ турмуш даражасини юксалтириш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтирди.

Пленумда партия вилоят Кенгаши томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар танқидий-тахлил этилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган, ҳудудий партия ташкилотлари пленумларда атрофича муҳокама қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда иштирокчилар Президентимизнинг "Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир" номли маърузасининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасида вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилажак ишларга ҳам тўхтадилар.

Пленумда ташкилий масала қўриб чиқилди. Алишер Пардаев ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси этиб сайланди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

2012 йил — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»

## Ватаннинг қутлуғ остонаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оила ва фарзандлар тақдирини ҳамма нарсадан устун қўйиб, унинг муаммоларини сабр-тоқат, бағрикенглик, топқирлик ва ҳамжихатлик билан ҳал этганлар. Энг муҳими, фарзандларининг хушхулқли, иймон-инсофли, эътиқодли, билим ва ҳунарли бўлишларига эришишни ўзларининг бурчлари деб билганлар. Оилага бўлган бундай эътибор, талабчанлик ва қатъий тартиб-интизом унинг тинчлиги, барқарорлиги, раванқи ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилган.

Зеро, оиланинг жипслиги, тотувлиги, бахтли ҳаёт кечирishi, гўзаллиги, мунаварлиги муқаррамлиги жамият ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қудрати ифодасидир. Чунки, оила тиссолидагина халқимизнинг бугуни, эртаси, келажакга номён бўлади. Ва, албатта, оилалар тиссолида жамият оёқлари талиғи, барқарорлигини, ушворлиги тараққиётини кўриш мумкин. Зотан, «оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор». Шу нуқтаи-назардан қараганда оилага эътибор ва ғамхўрлик мустақиллигимизнинг илк кўнларидан бошлаб, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланади.

«Оила ҳақида гапирар эканмиз, - дейди Ислоҳ Каримов, - авваламбор, оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевоқиф таъбир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор».

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз оилаларининг барча соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва кафолатлайдиган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиндики, улар эркин ва фаровон ҳаёт сари дадил қадам ташлашимизда янги-янги имконият уфқларини очмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бутун бир боби оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...» деб, эътибор қўйилганлиги шунингдек, «Оила кодекси»нинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус тадбир кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади» дея баён этилганлиги давлатимизнинг оилага бўлган меҳрибонлиги ифодасидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан оилаларга ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатилганлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги қонун ҳимоясига олинганлиги, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оила даромадини ошириш, унинг соғлом, барқарор ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, «оила, мактаб, маҳалла» ҳамкорлигининг самарадорлигига эришиш каби қатор хайрли ишлар мамлакатимизда инсон манфаатларига катта эътибор билан қаралаётганлигининг исботидир.

Глобаллашув жараёнлари тобора қизгин тус олаётган бугунги кунда оилаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мустаҳкам бўли-

шини таъминлаш, айниқса, фарзандларимизнинг юриш-туришига, таълим-тарбиясига янада жиддийроқ қараш, уларнинг гайрат-шижоатли, билимдон, мард ва жасур, ташаббускор, фидойи, миллий ва умуминсоний қадриятларга юксак ҳурмат билан қарайдиган, ўз оиласи, Ватани ва миллати билан фахрлана оладиган, туғилган заминини муқаддас деб биладиган, уни ёт гоғлар ҳамда гаразли кўзлардан асрашга қодир бўлишларида ҳар биримиз масъул эканлигимизни асло унутмаслигимиз, бу долзарб ишда қўлни-қўлга бериб ишлашимиз мақсадга мувофиқдир.

Шу эзгу ниятда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб, эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган танта-

**Тан олиб айтишимиз керакки, оила жуда мураккаб институт. Унга аъзо бўлиб қўшилиш, қувонч ва ташвишларини оиланинг каттаю кичиги билан баҳам кўриш, муаммоларни ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўймастик, мақолда айтилганидек, «етти ўлчаб, бир кесмиш»га амал қилиш, бу борада кўпни кўрган, элнинг ҳурматини қозонган, тажрибали одамлар, кўни-қўшни ва маҳалла маслаҳатига таяниш, хулоса чиқаришда сабр-тоқат билан иш тутиш оила мустаҳкамлигининг асосий омилларидан ҳисобланади.**

наги маросимда сўзлаган мазрузасида таъкидланганидек, оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун, энг аввало, янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда чиндан ҳам оилаларимизнинг мустаҳкам ҳамда зийнатли бўлиши, оилада ҳаётнинг бугуни, эртаси ва келажакга акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришлар киритиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш, шубҳасизки, ютуқлар гаровидир.

Тан олиб айтишимиз керакки, оила жуда мураккаб институт. Унга аъзо бўлиб қўшилиш, қувонч ва ташвишларини оиланинг каттаю кичиги билан баҳам кўриш, муаммоларни ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўймастик, мақолда айтилганидек, «етти ўлчаб, бир кесмиш»га амал қилиш, бу борада кўпни кўрган, элнинг ҳурматини қозонган, тажрибали одамлар, кўни-қўшни ва маҳалла маслаҳатига таяниш, хулоса чиқаришда сабр-тоқат билан иш тутиш оила мустаҳкамлигининг асосий омилларидан ҳисобланади.

Бу ва бунга ўхшаган кўп қабил масалалар ечимини топиш, биринчидан, кенг жамоатчилик фикрини ўрганишни, иккинчидан, илмий хулосалар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ва ниҳоят таъсирчан тарғиботни кучайтиришни талаб этади.

Буларнинг ҳам дастурдан муносиб жой олиши ва амалга оширилиши ватаннинг қутлуғ остонаси бўлиши оиланинг бахтли бўлиши гаровидир.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,  
Тошкент Молия  
институтини катта  
ўқитувчиси**

(Давоми. Боши 1-бетда)

● **ҒАМХЎРЛИК**

— Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига асосан мамлакатимизда «SOS Болалар маҳаллалари» Ўзбекистон миллий уюшмаси ташкил этилди. Бугунги кунда республика бўйича учта вилоятда — Тошкент, Самарқанд ва Урганч шаҳрида жойлашган «SOS Болалар маҳаллалари» 200 га яқин болакайни ўз бағрига олган. Ижтимоий етимликнинг олдини олиш мақсадида тузилган Дастур асосида эса 500 нафардан ортиқ боланинг ўз оиласи муҳитида улғайиши устида иш олиб борилмоқда. Мақсадимиз ҳар бир бола, қаерда бўлмасин ўз оиласи ёки туғилган оилами, ҳимоя қилувчи, суювчи ва узоқ муддатга мўлжалланган муносабатлар муҳитида улғайсин. Келажакда болаларни ҳаёт синовларига дош бера оладиган, барқарор шахс сифатида улғайтириш маҳалла олдига қўйилган ва катта масъулият билан бажарилаётган бош вазифалардан бири саналади.

«SOS Болалар маҳалласи» Дастурига биноан, уюшма тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан жудо бўлган ёки ўз оиласида яшай туриб ижтимоий етимлик хавфи остида бўлган болаларга уларнинг соғлом ўсишлари ва ривожланишлари учун ғамхўр ва меҳрибон оила муҳитида ўсишлариغا хизмат қилади. Яъни, кундалик турмуш, тарбиявий масалалар оилани ёндашув асосида олиб борилади. Маҳалланинг мутахассис ходимлари ҳар бир оила билан алоҳида иш олиб бориб, болаларнинг фаровонлигини, унинг хавфдан холи, соғлом ва эркин ўсиб улғайишини таъминлашда оиланинг салоҳиятини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беради. Концепция 4 тамойилга асосланган: она, ака-ука ва она-сингиллар, уй, маҳалла. SOS-она етакчи шахслардан бири бўлиб, маҳаллада уни «она», «онажон» деб аташади. 6-7 нафар бола бўлган ҳар бир оилага SOS-она бошчилик қилади. Она ўз болалари билан бирга яшайди, болалар тарбияси билан шуғулланади, уй-рўзгор ишларини мустақил равишда бажаради. Бир она қарамоғидаги турли ёшдаги болалар эса SOS-оила тасарруфидидаги ака-сингилларга айланадилар. Қолаверса, ҳозирда SOS-хона ҳам бириктирилгани боис, болалар ўзини ёлғиз ҳис қилмайди. Бу оила аъзоларининг табиий равишда улғайишига шароит яратади. Ҳар бир оила ўзига тегишли хонадонда яшайди. Шу-



## Бахтли болалик

ОИЛАДАГИ МЕҲР ТУФАЙЛИ ЯНАДА ТЎКИС БЎЛАДИ

нингдек, оилаларга алоҳида бюджет ҳам ажратилади. Болалар оддий оилаларда бўлгани каби харид қилиш, кирим-чиқимларни тўғри тақсимлашни ўрганишда ва шу тарихда ҳаётнинг пасту баландларини билиб олишади.

«SOS Болалар маҳаллалари»га болаларни қабул қилиш, парваридиш жараёни ва парваридан чиқиш жараёнлари БМТнинг Бола Ҳуқуқлари Конвенцияси, «Бола ҳуқуқлари гарантсиялари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, «Оила» кодекси, Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом ҳамда халқаро SOS Kinderdorf International тамойиллари асосида амалга оширилади. SOS оиласига 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ота-она меҳридан жудо бўлган болалар қабул қилинади. Ака-ука ва она-сингиллар бир оилада ўсадилар. Болалар 16 ёшга тулғунларига қадар маҳаллада оила муҳитида тарбияланадилар. Улар бошқа тенгқурлари қатори ҳар хил мактабларда ўқийди, мулоқотда бўлади, турли тадбир ва мусобақаларда иштирок этади. SOS оила модели ва оилани мустаҳкамлаш қийин оилавий аҳволга тушган ва ота-онасидан айрилган бола учун

ота-она ёки оила бериши лозим бўлган меҳр ва ғамхўрликка, ҳурматга асосланган муносабатларни яратиб берувчи моделдир. Боланинг ривожланишига юқори аҳамият берувчи SOS оила модели ҳақиқатан ҳар бир болага индивидуал ёндашувни тақозо қилади, боланинг хусусий эhtiёжларидан келиб чиқиб, ҳар бир болага мутахассислар томонидан боланинг иштирокида ривожланиш режаси тузилади ва унинг ривожланиши ушбу режа асосида йўналтирилади. Воёга етган ёшлар маҳалладан учирма қилиниб, маҳаллага тегишли «Ёшлар уйи»га жойлаштирилади. У ерда ёшлар психолог ва педагоглардан ташкил топган мураббийлар командаси томонидан доимий қўллаб қувватланиб, катта ҳаётга қадам қўйишга тайёрланиб борадилар.

Тошкент шаҳрида 2000 йилдан бери фаолият юритиб келаятган «SOS Болалар маҳалла-

лари»да бугунги кунда 14 та оила мавжуд. Бу ердаги болалар барча зарур шарт-шароитга эга муҳитда улғаймоқда. Шинам уйлар ичида SOS-она бошчилигида болалар эмин-эркин бир оила бўлиб яшашади. Бу йил илк қалдирғочларимиз — 11 нафар ўсмирни мустақил ҳаётга учирма қилдик. Ҳамон улар билан мустаҳкам алоқамиз.

Сўхбатдошимиз уюшма фаолияти ҳақида сўзлар экан, бугун дунё бўйича 132 дан ортиқ мамлакатда «SOS Болалар маҳаллалари» фаолият юритиб келаятганини таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳар бир бола оиладек мустаҳкам қўрғонда воёга етишни истаيدди. Ҳаётда шундай ҳоллар учрайдики, оила фарзандига яқка ўзи қарай олмайди ёки турли сабабларга кўра болани бошқара олмайди. Гулчехра опадан уюшманинг бу борадаги қарашлари ҳақида сўрадик.

— Уюшма аъзо бўлган SOS Kinderdorf International халқаро

Оиланинг бола учун юксак аҳамияти, боланинг оилада маънавий озикланиб улғайиши, руҳан соғлом ўсиши масалалари оиладаги муҳитга эътиборни жалб қилади. Ташкилотнинг кейинги йилларда йўлга қўйган йўналиш дастури — ижтимоий етимликнинг олдини олиб, заиф оилаларни мустаҳкамлаш, уларда ўсаётган болаларнинг ривожланишига маддад бериш, ота оналарнинг бола тарбияси ва ривожланишига доир билим ва уқувлари, имкониятларини кучайтиришни мақсад қилади. Негаки, боланинг эркин ва яйраб ўсиши учун, энг соғлом, табиий ривожланиши учун ўз оиласидан афзал муҳит йўқ.

Уюшманинг «Оилаларни мустаҳкамлаш» Дастури айнан шу тамойилга асосланади. Дастур кенг маҳаллалардаги ижтимоий заиф биологик оилаларда иш олиб бориш билан чекланмай, шунингдек, бизнинг SOS оилаларимизга келадиган ҳар бир боланинг оилавий ҳолати ва муҳитини ўрганамиз. Етакчи социал ходимларимиз психолог ва педагогларимиз билан биргаликда ҳар бир ҳолатни ўрганиб чиқишади ва имкон қадар бола ўз оиласи ёки яқинлари оиласида ўсиши хусусида иш олиб борадилар. Юқорида айтилган Дастур ижтимоий етимликнинг олдини олишга йўналтирилган бўлиб, бугунги кунда 500 дан ортиқ боланинг ўз оиласида улғайиши устида иш олиб боришмоқда. Имкон қадар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш, қолаверса, уларнинг саломатлигини тиклашга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилади. Энг аввало, ижтимоий заиф оилаларни мустаҳкамлаш бораборида бу оилаларда воёга етаётган болалар ота-она меҳри ва ғамхўрлигига тўғийиб, болаликнинг бахтли лаҳзалари ичра улғайишсин. Мақсадимиз ва вазифамиз — ҳар бир бола учун унинг ўз оиласини имкон қадар сақлаб қолиш.

Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда келаятган янги 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном беришлари бизни жуда хурсанд қилди. Негаки, уюшмамизнинг мақсад ва вазифалари айнан шу йил билан ҳамохан. Ҳар бир бола оилада камол топишга, болаликнинг бахтли лаҳзаларини туйишга ҳақиқ.

**Махфуза  
ХУДАЙБЕРГАНОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири**

## ШАҲРИҲОН СУПЕРМАРКЕТИ ЯҲМОАСИ

Янги йил билан муборакбод этади. 2012 йилда

ҳам мустақил Ватанимиз, меҳнаткаш

халқимиз бошида тинчлик ва озодлик

қуёши чарақлаб турсин.

Ҳаммангизга тан-сиҳатлик,

бахт-саодат тилаймиз.

# САРҲИСОБ

ШАРҚИЙ ХАЛҚАРО ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ  
АВТОМОБИЛЬ ЙўЛЛАРИНИ САҒДАШГА ИХТИСОСЛАШГАН  
ТАЪМИРЛАШ Фойдаланиш Корхонаси ЯМАОАСИ

Барча юртдошларимизни кўриб келаятган

## Янги 2012 йил

билан чин қалбдан самимий табриқлайди.

Келгусандаги ишларингизга омад,  
мустаҳкам соғлиқ,  
дастурхонингизга тўйинлик  
тилаймиз.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ЯНГИ ЙИЛ  
БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Мустақиллик йилларида миллий давлатчилигимизни шакллантириш жараёнида давлат ва жамият қурилиш соҳасида босқичма-босқич кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шундай улкан қадамлардан бири — Олий қонун чиқарувчи ҳокимият — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали асосда ташкил этилди.

## Ҳуқуқий қўлланма

УНДАН АМАЛИЁТЧИЛАР ҲАМ,  
НАЗАРИЁТЧИЛАР ҲАМ  
Фойдаланишлари мумкин

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Давлат ва жамият қурилиши" соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айланди."

"Тамaddon" нашриётида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб chop этилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди Абдуманноб Раҳимовнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари" деб номланган рисоласида мазкур жараён акс этган бўлиб, икки палатали парламентнинг фаолияти, афзаллик жиҳатлари, ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасидаги тадқиқотлар, халқаро тажрибалар, кузатув ва таҳлиллар ўрин олган. Китобга юридик фанлари доктори А.Турсунов муҳаррирлик қилган.

Китобнинг ўзига хос аҳамияти шундан иборатки, кириш сўзида таъкидланганидек, ушбу рисола "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми икки палатали парламент мисолида, шунингдек, унинг палаталари орасидаги ўзаро муносабатлар конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи-назарида ўрганишга илк маротаба қилинган ҳаракат" сифатида баҳолаш жоиз.



Рисолада амалдаги икки палатали парламентнинг мақсад ва вазифалари, шакллантириш усули ва тартиблари, улар фаолиятининг асосий принциплари, мувофиқлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми, палаталараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, ҳамкорлик ва келишув принциплари, қонун ижодкорлиги жараёни, палаталарнинг қонунчилик соҳасидаги ўзаро муносабатлари ва назорат-таҳлил функциясини амалга оширишдаги ҳамкорлик масалалари атрофида тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Рисола оммабоп услубда ёзилган бўлиб, ундан амалиётчилар ҳам, назариётчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дилафруз РАСУЛОВА,  
Олий ҳарбий божхона  
институтининг тингловчиси

● ФАОЛИЯТ



## "Baht-textile"

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРМОҚДА

Сифатли маҳсулот ҳеч қачон туриб қолмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида ана шу жиҳатга устувор вазифа сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, "ISO-9001:2008" сифат сертификати кўлга киритганимиз муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Қолаверса, корхона техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 2008-2010 йиллар мобайнида кўшимча равишда 4 млн. 478 минг АҚШ доллари миқдо-

либ ўрнатилди. Бу ишлаб чиқариш ва унинг сифатига катта таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқарилган истиқболли режалар асосида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қадар кўшимча равишда 5 млн. 529 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиб, корхона устав фонди 7 млн. 369 минг АҚШ долларини ташкил этди. Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган маҳсулотларимизнинг асосий харидорлари Рос-



Зафар Эсанжолов, Зуфтилло Саидов, Сайёра Нуриллаева, Ўғилой Равшанова каби маҳоратли техник ва операторлар ўз тажрибаларини "устоз-шогирд" аънаси асосида ёшларга ўргатишмоқда.


Янги иш ўринларини яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш, икки бозорни рағбатлантириш мақсадида маъмурият ёрдами билан шаҳарда маҳсулотни қайта ишловчи "ORGUPLANT" кичик корхонаси ташкил этилди. Ҳозир ишлаб чиқариш биносини қуриш ишлари якунланиш арасида турибди. Унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан 498 минг АҚШ доллари миқдорида янги замонавий технологик ускуна ва

жиҳозлар сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилди. Корхона 2007 йилдан буён "Ташаббус" курик-танловининг шаҳар, вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрий ёрлик ва совринларга эга бўлиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Baht-textile"нинг бугунги асосий мақсади янги иш ўринларини яратиш, пахта толасини қайта ишлаб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Эркин ДОРИПОВ,  
"Milliy tiklanish" муҳбири


Ташқи иқтисодий фаолият (минг АҚШ доллари)



рида замонавий технологик жиҳоз ва ускуналар олиб кели-

сия, Хитой ва Туркия давлатларининг йирик тўқимачилик корхоналари ҳисобланади. Маҳсулотларимизни хорижий буюртмачиларга пешма-пеш жўнатаямиз. Буларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратиб берилган қулай муҳит ва етарли шарт-шароитлар самарасидир.

"Baht-textile" корхонаси жорий йилда касб-хунар коллежини битирган 28 нафар йигит-қизни ишга қабул қилди. Улар орасидан Лобар Собирова, Лола Шодиева, Исмоил Баҳранов, Зарифа Мардонова каби ёшлар ўз билими ва иқтисодий билан кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Дилшод Ширинов,



Пахта толасидан тайёрланган либослар сифати ва бежиримлиги билан алоҳида ажралаб туради. Шу боис бундай маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тўқимачилик саноатини изчил тараққий этиши билан пахта хомашёси қайта ишланиб, ундан кўплаб турдаги тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.


фарга етди. Ишчиларнинг аксариятини касб-хунар коллежини битирган ёшлар ташкил этади. Бугун маҳсулотимизга ташқи бозорда талаб ва эhtiёж тобора ошиб бормоқда. Жорий йилда ишлаб чиқариш қийматини 18.595 млн. сўмга, экспорт кўрсаткичларини эса 12.800 минг АҚШ долларига етказиш ниятидамиз. Корхонамиз экспорт ва ишлаб чиқариш даражасининг ўсиб боришини кўйидаги графиклардан ҳам кўриш мумкин.

Мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири тўқимачилик саноати бугун юртимизда жадал суръатларда ривожланмоқда. Айтиш керакки, бугун Навоий вилоятида саноатни ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида ҳам бир қатор янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаёпти.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Baht-textile" кўшма корхонаси Навоий вилоятидаги илғор саноат корхонаси ҳисобланиб, 2006 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Германия, Туркия, Италия, Швейцария, Хитой сингари хорижий давлатларнинг юқори унумли дастгоҳлари билан


жиҳозланган замонавий цехларда уч хил усулда трикотаж ва газлама матолар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган 12 турдаги калава иплар ишлаб чиқарилади. Корхона йилига 8400 тонна пахта толасидан калава ип тайёрлайди. Цехларга кирсангиз замонавий дастгоҳларда бемалол ишлаётган ёш йигит-қизларга кўзингиз тушади. Бу ерда ишлаётганларнинг кўли-қўлига тегмайди. Энг замонавий дастгоҳлар иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Яна бир аҳамиятли томони шундаки, - дейди биз билан суҳбатда "Baht-textile" раҳбари Қобил Турсунов. — Дастлаб, иш бошлаганимизда юз нафарга яқин хорижий давлатларнинг бугун уларнинг сони 520 на-



## ЖАРАЁН

## ФАРҒОНА ТУМАНИ ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ ФойДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Бунёдкор ва яратувчан Ўзбекистон халқини кириб келаётган —

# Янги 2012 йил

билан қутлайди.

**Юртимиз кўрктига кўрк қўшиб, бунёдкорлик, ободончилик  
ишларида фидойилик кўрсатаётган барча меъморларимизнинг  
яратувчанлик фаолиятига улкан зафарлар тилаймиз!**

**Янги йил ҳар бир онлага фаровонлик, бахт ва қувонч олиб келсин!**

## Табиат билан мулоқот

*Тошкент Фотосуратлар уйида япониялик таниқли файласуф, ёзувчи ва шoir, "FotoQraNica-2010" халқаро мукофоти лауреати Дайсаку Икеданинг 100 дан ортқ фотосарлари ўрин олган кўргазмаси очилди.*

Фаолият доираси кенглигига қарамай, Дайсаку Икеда фото санъати билан ҳам шуғулланиб туради. Ўзи айтганидек, сафарларда, машина ёки самолёт ойнасидан туриб, расмий тадбирлар чоғида бўладими суратга олаверади. Унинг экспозицияга қўйилган, меҳр билан суратга олинган Японияда йилнинг тўрт фасли, унинг жозибали табиат манзаралари, баҳор шамоли, ёз жилвалари, кузнинг ранг-баранг бўёқлари, қиш ёғдуси йўналиши бўйича суратга олинган, такрорланмас даражада бир-бирини тўлдирган қатор фотосуратлари кишини

мафтун этади, руҳини кўтаради. Экспонатлар орасида турли гуллар, сархил мевалар акс этган фотосуратлар томошабинга баҳор таровати ҳадя этаётгандек, гўё.

Муаллиф дунёнинг кўплаб мамлакат ва минтақаларида тинчликпарварлик миссияси билан бўлиб, жамоат ва давлат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, ишбилармонлар ҳамда маданият намояндalари билан учрашувлар ўтказган. Кўргазмада АҚШ, Канада, Куба, Хитой, Миср, Италия, Франция, Англия ва бошқа қатор мамлакатларда Икеда объективидан четда қолмаган турли мавзудаги суратлар ҳам ўрин олган.

Тарбиявий аҳамиятга эга, умуминсоний кадриятлар, ҳаёт фалсафаси акс этган бундай кўргазмаларнинг ўтказилиб турилиши ҳар иккала давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаши, халқларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кўргазма 2012 йилнинг 4 январига қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## ● ОГОҲЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 21 ноябрдаги қарорларига мувофиқ республикамиз бўйлаб «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.*

## Пиротехникага қарши тадбир

«Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» айни кuz фаслининг охирида бошланиб, қишнинг аёзли ва қировли кунларига қадар давом этади. Тадбир давомида, шунингдек, Янги йил байрами яқинлашиб келиши муносабати билан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари пойтахтимизда пиротехник маҳсулотлар сотилишини таъқиқлаш ва савдодан олиб қўйишни ташкил этиш борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Маълумки, Янги йил байрами арафасида пиротехника маҳсулотлари савдоси анча «жонланиб» қолади. Кўпга ҳамюртларимиз бозорларда, аҳоли гавжум жойларда яширинча сотилаётган салют ва пақилдоқларни харид қилиб, байрамни дабада билан қутиб олишни исташади. Бирок, аксарият ҳолларда уларнинг бу истаклари хунук оқибатларга сабаб бўлади. Ҳамюртларимиз сифат-

сиз ва яроқсиз, устига устак ноқонуний йўллар билан республикамиз худудига олиб кирилган пиротехника воситаларидан фойдаланишлари натижасида ёш болалар у ёқда турсин, катта ёшли инсонларга ҳам шикаст етиши, бир умрга ногирон бўлиб қолишлари ҳам мумкин.

Шу сабабдан, хурматли ҳамшарқларимизни огоҳликка чақиришни ўз бурчимиз, деб биламиз. Яна бир илтимосимиз шуки, ёнгинни келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида юртимиз бўйлаб давом этаётган «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларида фаол иштирок этинг. Чунки, ёнгин ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлган инсон бундай хавфдан йироқ бўлади.

**Махсуд АБДУЛЛАЕВ,  
ИИББ ЁХБ ЁҲОЖТЭ  
ва МБ бошлиғи,  
подполковник**

## ЗАРАФШОН ШАҲРИДАГИ "МУРУНТОВ" МЧЖ ЖАМОАСИ

*Ватандошларимизни ва юртимизда  
яшаб меҳнат қилаётган барча  
элат ва миллат вакилларини  
яқинлашиб келаётган —*

# Янги 2012 йил

билан самимий табриклайди.

*Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин,  
хонадонларимиздан тинчлик-хотиржамлик,  
қут-барака аримасин!*

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

# ЭЗГУЛИК

● ФАРМОН ВА ИЖРО

## Оилавий тадбиркорлик

УЙ МЕХНАТИ ВА КАСАНАЧИЛИКНИ РАФАТЛАНТИРИШ ЭВАЗИГА ТУМАНДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 245 ТА ЯНГИ ИШ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

*Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида таъкидланганидек, бугунги кунда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз янги ички маҳсулотлари таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолининг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга ургиб бериб айтмоқчиман — иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир”.*

Жорий йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берилгани бу соҳадаги кенг қўлланма ислохотларни янги босқичга кўтарди. Масалан, маърузада қайд этилганидек, кичик бизнес субъектлари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни сотиш ҳажми қарийб 2 баравар кўпайди, яъни 600 млрд. сўмга етди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида улар учун тижорат банклари томонидан 3 трлн. 200 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Яна бир қувончли рақам шундан иборатки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг мамлакатимиз янги ички маҳсулотларидаги улуши ҳозирги вақтда 54 фоизга етди. Бундай ҳолатларни, шубҳасиз, Сирдарё тумани мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Сирдарё тумани прокуратураси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда Ўзбекистон республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг ижроси юзасидан мунтазам назорат олиб бормоқда. Жорий йилнинг 30 октябрь ҳолатига кўра, туман ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 397 та яқна тартибдаги тадбиркор, 357 та ҳўжалик юритувчи субъекти рўйхатдан ўтказилган. Улар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида туман прокуратурасида “007” рақамли ишонч телефони узлуксиз ишлаб турибди. Бундан ташқари, туман ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида улар билан мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида ҳар ойда икки марта таба учрашув ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлар натижасида туман ҳудудида бирорта ҳам ноқонуний текширишлар ўтказилишига йўл қўйилмади. Тадбиркорларнинг “ишонч телефони”га қилган барча мурожаатлари эътибордан четда қолмади. Тахлиллар мурожаатлар-

тураси томонидан ўрганилганда, унга қарашли бўлган тикув, сим кесиш, электромотка, пайвандлаш ва чилангарлик цехлари ишламаётгани аниқланди. Айни пайтда МЧЖнинг оёққа туриб олишига амалий ёрдам берилмоқда. “Махмаражабов Тўрабек” хусусий корхонаси оиласи билан биргаликда ҳовлисидаги 4 минг туҳумлик инкубаторда жўжа, иссиқхонасида эса помидор ва бодринг етказишни йўлга қўйиб, йилига 30 млн. соф даромад олишга эришмоқда. Оилавий тадбиркор М.Хайдарова эндиликда туман прокуратураси ёрдами билан олинган 24 млн. сўмлик кредит эвазига ҳовлисидаги иссиқхонани янада кенгайтириш, жўжа боқишга мўлжалланган инкубатор сифимини 4 мингдан 15 мингга етказишни мўлжаллаб турибди. Оилавий тадбиркор ҳозирги кунда ҳатто Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятига бир кунлик ва бири ойлик хонаки жўжаларни сотишни йўлга қўйди. Туман прокуратураси меҳнат билан банд бўлган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш, уларни иш билан таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришда аниқ режа асосида иш олиб бораёпти. Масалан, “Сирдарё туманида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида камида 5 та субъект ҳамда 10 тадан 20 тагача янги иш ўрни ташкил этиш тўғрисида”ги Дастурга асосан жорий йилда жами 222 та субъект, 743 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. Ушбу режа 2011 йилнинг 10 ойи ичида тўлиқ бажарилди. “Аҳолини иш билан таъминлаш” дастурига асосан эса 10 ой давомида туман миқёсида 5712 та янги иш ўрни ташкил этилди. Унинг 245 таси оилавий тадбиркор ва касаначиликка тааллуқли эканлиги қувонарли ҳол, албатта.

Тоҳир РАЖАБОВ,  
Сирдарё туман  
прокурори

## БУХОРО ШАҲРИДАГИ “ТЕХНИКА МУҲАНДИСЛИК ИЗЛАНИШЛАР” ХУСУСИЙ ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни кириб келаётган —

# Янги 2012 йил

билан чин дилдан табриклайди.

Сизга сўхат-саломатлик, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Янги йил бутун халқимизга тинчлик-омонлик, хонадонларимизга кут-барака олиб келсин.

“МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ”  
МУБОРАК БЎЛСИН!




## ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ОРЗУ, УМИД ВА ХУРСАНДЧИЛИК СИЗУ БИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН.

Бутун ўзбекистонликларни ва юртимиз

меҳмонларини кириб келаётган —

# Янги 2012 йил

билан қизгин табриклайди.



Янги йилда янги орзу, умид ва хурсандчилик сизу бизни тарк этмасин.

2012 йил улкан муваффақиятлар ва зафарлар йили бўлсин.

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ!

# ЗАРАФШОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

барча ватандошларимизни қириб келаётган —

# 2012 йил

билан самимий қутлайди.

Овоз ва хур ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига Янги йилда омавий тинчлик, осудалик, ташвиҳатлик, тўғриси бахт ҳамда фидоворона меҳнатларида улаш муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди!

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!**

## НАВОИЙ ТЕХНИКА-ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, устоз ва мураббийларни яқинлашиб келаётган

Янги йил ҳаммамизга бахт, қувонч, шодлик олиб келсин. Дастурхонимиз тўғриси-сочин, ризқимиз бутун, онларимиз тинч-осуда бўлсин.

# ЯНГИ 2012 йил билан чин юракдан муборакбод этади.

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

Бул жаҳонда излабон зебо хусн,  
Англадим мен: яхши хулқ — аъло хусн.  
Кимда бўлса яхши хулқ, топгай нажот,  
Ким кўнгил овораси — майдонда мот.

**БИЛАСИЗМИ?**

Гиппотам оғирлик бўйича филдан кейин турадиган сут эмизвчи ҳисобланади. Унинг оғирлиги 4 тоннага етади.

Дельфинлар бир кўзини очганча ухлайди.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Робот-самокат**

**HONDA ЯПОН КОМПАНИЯСИНИНГ ЯНГИ ИХТИРОСИ ТОКИО АВТОКЎРГАЗМАСИДА ИЛК БОР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.**

Unj-Sub но-мини олган ушбу робот-самокат аввалги U3-X моноциклини янада тўлдирган. Фақат янги самокатнинг филдираклари иккита бўлиб, барқарор ва қулай бошқарув имконини беради. Шунингдек,




аппарат турган жойида 360 даражали бурчак остида айланиши мумкин. Самокат филдираклари U3-X схемасига кўра синовдан ўтказилган. Филдиракларнинг юза қисмига митти филдиракчалар ўрнатилгани боис, самокатни исталган томонга буриб бошқарса бўлади. Соатига 10 километр тезликда ҳаракатланадиган самокат аккумуляторининг қуввати камида 1 соатга етади.

**Энг тезкор видеокамера**

**АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР ДУНЁДАГИ ЭНГ ТЕЗКОР ВИДЕОКАМЕРА ЯРАТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШГАН.**

Маълумки, видеокамера ёрдамида ҳар бир кадрни суратга олиш учун 1,71 пикосекунд вақт кетади. Бироқ, янги Trillion FPS камераси бир сония ичида 0,58 триллионга яқин кадрни тасвирга олиш хусусиятига эга. Аппарат стрик-камера асосига қурилган. Шу боис, ёруғлик нурлари фотокатодга ингичка тирқиш орқали тушади. Қолган жараёнлар шунга яраша тезлашиб, детекторга тугташади. Зарраларнинг олдинма-кетин детекторга тугташиши натижасида тасвир икки ўлчамли кўриниш касб этади.



**Олма ёмғири**

**КОВЕНТРИ (Б.БРИТАНИЯ) ШАҲРИДА ҒАЙРИОДДИЙ ТАБИАТ ҲОДИСАСИ РЎЙ БЕРДИ.**

Қутилмаганда осмондан олма-лар ёғилиши шаҳар аҳолисини ваҳимага солган. Ахир, шу пайтгача бундай ҳодисага ҳеч ким гувоҳ бўлмаганда. Хайриятки, бундай ёмғирдан ҳеч кимнинг жонига озор етмаган. Фақат бир неча автомобиллар зарар кўрган, холос. Метеорологларнинг гапига қараганда, олма ёмғирини кучли шамол келтириб чиқарган. Шамол йўл-йўлакай анча-мунча мева ва сабзавотларни осмонга учирган. Ковентри шаҳрига етганда эса шамол тинган ва мевалар ёмғирга қўшилиб, ёға бошлаган.



**Қаҳва ўрнини босади**

**ДИЕТОЛОГЛАР ЭРТАЛАБКИ БИР ЧАШКА ҚАҲВА ЎРНИНИ БИР СТАКАН ЛИМОН ШАРБАТИ БОСА ОЛАДИ, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИШДИ.**

Синов ва тажрибалардан аён бўлишича, бундай ичимлик соғлиқ учун мутлақо безарар. Уни ҳар кун ичишга одатланган инсон кун бўйи тетик юраркан. Шунингдек, лимон шарбати жигарни заҳарли моддалардан тозалаб, буйракда тош ҳосил бўлишининг олдини олади. Қаҳвада бу каби хусусиятлар бор дея олмаёмиз. Сабаби, қаҳва юқори калорияли ичимлик ҳисобланади. Унга қаймоқ ва шоколад қўшиб ичилганда эса қаҳвадаги калория миқдори янада ортади.



**З.ЗОИРЖОНОВ**  
тайёрлади